

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил декабрь ойининг 20 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси С.Содиқов, судья ёрдамчиси А.Алимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси З.Турсунов, судланувчи У.Юсупов, Ф.Турсунов, Х.Усанов ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Д.Худойбердиеваларнинг иштирокида, Юсупов Умирбек Исломович, Турсунов Фаррух Нормаматович ва Усанов Хуршид Абдусаматовичларга нисбатан 1-1002-2301/650-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Юсупов Умирбек Исломович (Yusupov Umirbek Islomovich) 1988 йил 22 ноябрь куни Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Кўприкқурилиш” трести УК “Хоразм темир йўл қурилиши” УК қурилиш ва монтаж ишлари устаси, муқаддам судланмаган, Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Дургадик МФЙ, Саҳоват кўчаси, 63-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган,

Турсунов Фарух Нормаматович (Tursunov Farux Normatovich) 1987 йил 5 июнь куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Капитал қурилиш” дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими қурилиш бўйича муҳандис-технолог, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, 9-Қурилиш, 8А-уй, 28-хонадонда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган,



Усанов Хуршид Абдусаматович (Usanov Xurshid Abdusamatovich) 1989 йил 8 сентябрь куни тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, икки нафар фарзанди бор, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Капитал қурилиш” дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими қурилиш бўйича муҳандис-технолог, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Қўштепа МФЙ, Беш юлдуз кўчаси, 62-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси ва “Хоразм темир йўл қурилиш” УК ўртасида 30.04.2021 йилда тузилган КД-2/ХТЙК-сонли шартнома ва қўшимча келишувларга асосан “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши 2-босқичи” объектида пудрат ишлари амалга оширилган.

Шу тариқа, “Хоразм темир йўл қурилиш” УК қурилиш ва монтаж ишлари устаси лавозимида ишлаб келаётган У.Юсупов объект бўйича жавобгар шахс қилиб белгиланиб, объектда қурилиш-монтаж ишларини бошқариш, назорат қилиш ва бажарилган иш ҳажмларининг ҳисобини юритиш учун масъул бўлганлигидан қасддан фойдаланиб, буюртмачи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекциясининг бажарилган иш ҳажмларини ҳар ойда натурада қабул қилиб олиш учун масъул бўлган Ф.Турсунов ва Х.Усановлар билан мансаб сохтакорлиги билан мажмуада жуда кўп миқдордаги давлат мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилишга жиноий тил бириктирган.

У.Юсупов объектнинг 9-бекати “Вестибюль (КЖ)” қурилишида 2021 йилнинг июнь ойида 968.148 сўмлик “Перевозка грузов автомобилем” ва 19.831.146 сўмлик “Изготовление арматурных каркасов ригелей рм1-рм3”, 2021 йилнинг июль ойида 336.467 сўмлик “Кладка стен из газобетонных блоков” ва 8.240.388 сўмлик “Установка закладных деталей”, 2021 йилнинг сентябрь ойида 84.704.329 сўмлик “Устройство стяжек цементных стены эскалатора (раствор м100 173,4м3)”, 8.240.388



сўмлик “Установка закладных деталей рама, ригель, стойка эскалатора”, 12.576.888 сўмлик “Монтаж алюминиевые оконных блоков”, 4.680.548 сўмлик “Устройство подстилающих слоев бетонных. Пол” ва 5.069.410 сўмлик “Устройство покрытий бетонных толщиной 30 мм”, 2021 йилнинг декабрь ойида 3.884.565 сўмлик “Устройство покрытий из гранитных плит (ступени, крыльцо, пандус)” ва 1.075.769 сўмлик “Установка подоконных досок из пвх”, шунигдек объектнинг 9-бекати “ПК 141+15,31 Вестибюль” қурилишида 2021 йилнинг ноябрь ойида 4.273.027 сўмлик “Установка вентилях, задвижек, затворов, клапанов обратных, кранов проходных на трубопроводах из стальных труб диаметром до 100 мм”, бундан ташқари объектнинг 7-бекати “Трансформаторная понизительная подстанция” биноси қурилишида 2021 йилнинг октябрь ойида 2.556.448 сўмлик “Разработка грунта”, 2021 йилнинг ноябрь ойида 36.280.597 сўмлик “Облицовка цоколя гранитными плитами” ва 3.624.454 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементно-песчаным или цементным раствором по камню и бетону улучшенное стен”, 2021 йилнинг декабрь ойида 288.356 сўмлик “Шпатлевка потолков” ва 16.393.117 сўмлик “Устройство желобов настенных”, жами умумий қиймати 213.024.044 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлса-да, ушбу давр учун тузган бажарилган ишлар далолатномаларида, гўёки ушбу иш хажмлари бажарилганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган.

Шунигдек, У.И.Юсупов объектнинг 10-бекати “Понизительная подстанция” биноси қурилишида 2021 йилнинг октябрь ойида 6.296.519 сўмлик “Облицовка цоколя гранитными плитами”, 2.242.727 сўмлик “Улучшенная штукатурка цементно-песчаным раствором по камню стен. Наружный”, 21.378.220 сўмлик “Установка монтажного профиля для крепления облицовки стен”, 4.924.774 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементным раствором по камню и бетону улучшенное стен. Внутренний”, 808.447 сўмлик “Шпатлевка стен”, бундан ташқари 10-бекати “Вестибюль” қурилишида 2021 йилнинг ноябрь ойида 3.297.137 сўмлик “Устройство гидроизоляции последующий слой пол л1”, 20.153.489 сўмлик “Установка плитусов из мраморных (гранитных) плит”, 765.785 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементно-известковым раствором по камню и бетону простое стен” ва 24.657.867 сўмлик “Гладкая облицовка стен, внутренний”, жами умумий қиймати 84.524.965 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлса-да, ушбу давр учун тузган бажарилган ишлар далолатномаларида, гўёки ушбу иш хажмлари бажарилганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган.

У.Юсупов билан олдиндан жинойий тил бириктирган буюртмачининг бажарилган иш хажмларини ҳар ойда натурада қабул қилиб олиш учун масъул бўлган Ф.Турсунов объектнинг 9-бекати “Вестибюль (КЖ)”, 9-бекати “ПК 141+15,31 Вестибюль” ва 7-бекати “Трансформаторная понизительная подстанция” қурилишларида юқорида қайд этилган даврда умумий қиймати 213.024.044 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари



аслида бажарилмаганлиги, Х.Усанов эса объектнинг 10-бекати “Понижительная подстанция” биноси ва 10-бекати “Вестибюль” қурилишларида юқорида қайд этилган даврда умумий қиймати 84.524.965 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари аслида бажарилмаганлиги ҳақида била туриб, улар У.Юсупов томонидан сохталаштирган бажарилган ишлар далолатномаларини қабул қилишган ва шу тариқа жуда кўп миқдор таркибини берувчи 297.549.010 сўм бюджет маблағлари ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан такроран талон-торож қилинган.

Шунингдек, А.Абдурахимов 2021 йилнинг сентябрь ойида объектнинг 9-бекати “Вестибюль” қурилишида 1.947.700 сўмлик “Монтаж опорных стоек”, 66.162.402 сўмлик “Монтаж алюминиевых витражей наружные (эскалаторный часть)”, 2.896.168 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементным раствором по камню и бетону улучшенное стен”, 482.722 сўмлик “Устройство стяжек цементных толщиной 20 мм” ва 2.186.389 сўмлик “Устройство покрытий из плиток керамических для полов”, жами умумий қиймати 73.675.381 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлсада, ушбу давр учун тузган бажарилган ишлар далолатномаларида, гўёки ушбу иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган, Ф.Турсунов эса юқорида қайд этилган даврда умумий қиймати 73.675.381 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари аслида бажарилмаганлиги ҳақида била туриб, уларни имзолаган.

Бундан ташқари, Б.Олимов 2022 йилнинг май ойида объектнинг 8-бекати “ПК 133+94,41 Вестибюль” қурилишида 35.797.067 сўмлик “Устройство мелких покрытий (парапеты) из листовой оцинкованной стали (фартук парапетный)”, 1.968.862 сўмлик “Устройство фартуков из листовой оцинкованной стали (коньковый фартук)”, 12.212.120 сўмлик “Устройство фартуков из листовой оцинкованной стали (фартук примыкающий к стенам эскалатора)”, 1.234.654 сўмлик “Устройство желобов подвесных”, 2.300.651 сўмлик “Устройство мелких покрытий (парапеты) из листовой оцинкованной стали (водосточный лоток)”, 12.171.738 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементно-известковым раствором по камню и бетону улучшенное стен (цементно-песчанная)”, 7.769.477 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементно-известковым раствором по камню и бетону простое стен (цементно-песчанная)”, 1.960.364 сўмлик “Улучшенная штукатурка цементно-песчаным раствором по камню стен” ҳамда 9-бекат “Вестибюль” қурилишида 22.350.225 сўмлик “Устройство мелких покрытий (парапеты) из листовой оцинкованной стали (фартук парапетный)” ва 2.625.149 сўмлик “Устройство фартуков из листовой оцинкованной стали (коньковый фартук)”, жами умумий қиймати 100.390.306 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлсада, ушбу давр учун тузган бажарилган ишлар далолатномаларида, гўёки ушбу иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган, Ф.Турсунов эса юқорида қайд этилган даврда умумий қиймати 100.390.306



сўмлик қурилиш-монтаж ишлари аслида бажарилмаганлиги ҳақида била туриб, уларни имзолаган.

Ўз ўрнида, Ф.Турсунов билан олдиндан жиноий тил бириктирган объектда пудрат ишларини бевосита бошқариш ва назорат қилиш учун масъул бўлган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК қурилиш ва монтаж ишлари устаси У.Юсупов юқорида қайд этилган даврда 213.024.044 сўмлик, иш бошқарувчилар А.Абдурахимов 73.675.381 сўмлик, Б.Олимов эса 100.390.306 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлсада, Ф.Н.Турсунов улар томондан сохталаштирган бажарилган ишлар далолатномаларини қабул қилиб, молиялаштириш учун тақдим этган ва шу тариқа жуда кўп миқдор таркибини берувчи 387.083.731 сўм бюджет маблағлари ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан такроран талон-торож қилинган.

Шунингдек, А.Абдурахимов 2021 йилнинг сентябрь ойида объектнинг 10-бекати “Вестибюль” қурилишида 26.780.621 сўмлик “Облицовка цоколя гранитными плитами”, 29.130.459 сўмлик “Устройство гидроизоляции пол л1”, 4.446.742 сўмлик “Оштукатуривание поверхностей цементным раствором по камню и бетону улучшенное стен” ва 2.645.411 сўмлик “Монтаж алюминиевые оконных блоков”, жами умумий қиймати 63.003.233 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлсада, ушбу давр учун тузган бажарилган ишлар далолатномаларида, гўёки ушбу иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган, Х.Усанов эса юқорида қайд этилган даврда умумий қиймати 63.003.233 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари аслида бажарилмаганлиги ҳақида била туриб, уларни имзолаган.

Бундан ташқари, Б.Олимов 2022 йилнинг май ойида объектнинг 10-бекати “Вестибюль” қурилишида 1.593.389 сўмлик “Улучшенная штукатурка цементно-известковым раствором по камню стен. производство работ на высоте свыше 2 до 8 м, применен коэффициент к нормам затрат труда - 1,05.”, 27.938.506 сўмлик “Устройство мелких покрытий (парапеты) из листовой оцинкованной стали (фартук парапетный)”, 2.942.354 сўмлик “Устройство фартуков из листовой оцинкованной стали (коньковый фартук)”, 5.432.600 сўмлик “Устройство фартуков из листовой оцинкованной стали (фартук примыкающий к стенам эскалатора)” ва 1.179.463 сўмлик “Устройство желобов подвесных”, жами умумий қиймати 39.086.312 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлсада, ушбу давр учун тузган бажарилган ишлар далолатномаларида, гўёки ушбу иш ҳажмлари бажарилганлиги ҳақида такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритган, Х.А.Усанов эса юқорида қайд этилган даврда умумий қиймати 39.086.312 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари аслида бажарилмаганлиги ҳақида била туриб, уларни имзолаган.

Ўз ўрнида, Х.Усанов объектда пудрат ишларини бевосита бошқариш ва назорат қилиш учун масъул бўлган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК қурилиш ва монтаж ишлари устаси У.Юсупов юқорида қайд этилган даврда 84.524.965 сўмлик, иш бошқарувчилар А.Абдурахимов 63.003.233



сўмлик, Б.Олимов эса 39.086.312 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини аслида бажармаган бўлсада, Х.Усанов улар томондан сохталаштирган бажарилган ишлар далолатномаларини қабул қилиб, молиялаштириш учун тақдим этган ва шу тариқа жуда кўп миқдор таркибини берувчи 186.614.510 сўм бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан такроран талон-торож қилган.

Судланувчи У.Юсупов суд мажлисида айбига иқроп бўлмасдан, қуйидагиларни, яъни 2019 йилдан буён “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ “Кўприққурилиш” АЖ “Хоразм темир йўл қурилиши” УК қурилиш ва монтаж ишлари устаси вазифасида ишлашлигини, корхона бошлиғинининг буйруқлари билан “Тошкент метрополитени қурилиши” объекти 7-10-бекатлар бўйича пудрат ишларини амалга ошириш бўйича жавобгар шахс қилиб белгиланганлигини, “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объектида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилганлигини, объект бўйича буюртмачи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси ҳисобланиб, 2021 йилда уларнинг буюртмасига асосан пудрат ишларини, 2022 йилда эса пудрат ишларини “Кўприққурилиш” Трести УК орқали ёрдамчи сифатида олиб борганларини, 2022 йилда ёрдамчи пудратчи бўлган бўлса-да, бажарилган ишларни бажарилган ишлар далолатномалари орқали тўғридан-тўғри “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекциясига “Кўприққурилиш” Трести УКнинг иштирокисиз топширганларини, объектда 2021 йилнинг июнь, июль, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь, шунингдек 2022 йилнинг май ойларида бажарилган ишлар юзасидан тузилган далолатномалар билан танишиб чиқиб, 2021 йилнинг июнь ойи учун тузилган 662.287.298 сўмлик, июль ойи учун тузилган 428.357.228 сўмлик, сентябрь ойи учун тузилган 903.516.688 сўмлик, октябрь ойи учун тузилган 437.781.579 сўмлик ва 643.307.047 сўмлик, ноябрь ойи учун тузилган 59.686.601 сўмлик, 324.949.675 сўмлик ва 517.436.687 сўмлик, шунингдек декабрь ойи учун тузилган 544.757.044 сўмлик ва 63.948.831 сўмлик, умумий қиймати эса 4.586.029.078 сўм бўлган бажарилган ишлар далолатномаларида “Пудратчи” номидан қўйилган имзолар унга тегишли эканлигини, ҳақиқатда 2022 йил ёз ойларида Ҳисоб палатасининг топшириғига асосан “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ мутахассислари томонида юқорида қайд этилган объектда назорат ўлчови ўтказилиб, объектнинг 9-бекати “Вестибюль (КЖ)” да 2021 йилнинг июнь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 662.287.698 сўмлик ишлардан 20.799.294 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, 2021 йилнинг июль ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 428.357.228 сўмлик ишлардан 8.576.854 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 9-бекат “Вестибюль” да 2021 йилнинг сентябрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 903.516.688 сўмлик ишлардан 115.271.563 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 10-бекати “Понизительная подстанция” биноси қурилишида 2021 йилнинг октябрь ойида гўёки бажарилган деб



кўрсатилган 437.781.579 сўмлик ишлардан 35.650.687 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 7-бекати “Трансформаторная понизительная подстанция” биноси қурилишида 2021 йилнинг октябрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 645.307.047 сўмлик ишлардан 2.556.448 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 9-бекати “ПК 141+15,31 Вестибюль”да 2021 йилнинг ноябрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 59.686.601 сўмлик ишлардан 4.273.027 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 10-бекати “Вестибюль”да 2021 йилнинг ноябрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 324.949.675 сўмлик ишлардан 48.874.278 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 7-бекати “Трансформаторная понизительная подстанция” биноси қурилишида 2021 йилнинг ноябрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 517.436.687 сўмлик ишлардан 39.905.051 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, объектнинг 9-бекати “Вестибюль”да 2021 йилнинг декабрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 544.757.044 сўмлик ишлардан 4.960.334 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги, шунингдек объектнинг 7-бекати “Трансформаторная понизительная подстанция” биноси қурилишида 2021 йилнинг декабрь ойида гўёки бажарилган деб кўрсатилган 63.948.831 сўмлик ишлардан 16.681.473 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги аниқланганлигини, иш ҳажмларининг жуда кўплиги, объектни топшириш муддатлари кам бўлганлиги сабабли қўшиб ёзилишларга йўл қўйилганлигини, айримларида лойиҳа-смета ҳужжатларини тўла қонли тушунмаганлари оқибатида ҳам қўшиб ёзишга йўл қўйганлигини, бу атайлаб ёки қасддан қилинмаганлигини, ҳужжатларда “Буюртмачи” номидан қўйилган имзолар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекциясида ишловчи Ф.Турсунов ва Х.Усановларга тегишли эканлигини, Ф.Турсунов 7-9-бекатларда қурилиш жараёнларини ташкиллаштириш, қурилиш-монтаж ишларининг турлари, ҳажмлари ва қийматлари ҳамда сифати лойиҳа-смета ҳужжатлари талаблари мувофиқлигини назорат қилиш ва қабул қилиш учун жавобгар бўлиб, Х.Усанов эса 10-сонли бекат бўйича жавобгар бўлганлигини, ҳеч ким билан аслида бажарилмаган ишларни бажарилган деб қўшиб ёзишга тил бириктирмаганлигини, барчаси эътиборсизлик оқибатида келиб чиққанлигини, юқори турувчи раҳбарлари ёки бошқа бирор шахс аслида бажарилмаган 297.549.010 сўмлик ишларни бажарилган ишлар далолатномаларига қўшиб ёзиш хусусида буйруқ ёки топшириқ бермаганлигини, бу ишлар бўйича тўловни амалга ошириш учун ҳисоб-фактуралар (Ф-3) расмийлаштирилиб, улар бўйича молиялаштиришни амалга ошириш мақсадида тузилган ҳисоб-фактураларни имзолаган шахслар, у аслида 297.549.010 сўмлик ишларни бажармасдан уларни қўшиб ёзганлиги ҳақида билмаганлигини, кейинчалик барча бажарилмаган ишларни қайта бажариб, улар юзасидан қайта назорат ўлчовини ўтказганларини, ҳеч қандай камомад аниқланмаганлигини, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлигини билдириб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.



Судланувчи Ф.Турсунов суд мажлисида айбига иқроор бўлмасдан, қуйидагиларни, яъни 2018 йилдан буён “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими қурилиш бўйича муҳандис-технолог вазифасида ишлашлигини, “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилиши” объектида қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Дирекция бошлиғининг 04.01.2021 йилдаги 3-сонли буйруғи билан унга объектларда қурилиш жараёнларини ташкиллаштириш, қурилиш-монтаж ишларининг турлари, хажмлари ва қийматлари ҳамда сифати лойиҳа-смета ҳужжатлари талаблари мувофиқлигини назорат қилиш ва қабул қилиш жавобгарлиги юклатилиб, шахсан унга 7-9-сонли бекатлар бириктирилганлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилганлигини ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “Вестибюль (КЖ)”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг июнь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 20.799.294 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, назорат ўлчовини ўтказган вақтда ушбу ишлар бажарилмай қолганлигини, бироқ ушбу ишлар гўёки бажарилганлиги ҳақида бажарилган ишлар далолатномаси тузилганлигини, 2021 йилнинг июнь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасидаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, иш хажмлари кўп бўлганлиги сабабли пудратчи томонидан амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ назорат қилиш имкони бўлмаганлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “Вестибюль (КЖ)”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг июль ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 8.576.854 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, назорат ўлчовини ўтказган вақтда ушбу ишлар бажарилмаганлигини, 2021 йил июль ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан



2021 йил сентябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 115.271.563 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, 2021 йил сентябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасидаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, иш хажмлари кўп бўлганлиги сабабли пудратчи томонидан амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларини тўлиқ назорат қилиш имкони бўлмаганлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йил сентябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 73.675.381 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, ушбу бажарилган ишлар далолатномасидаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 7-сонли бекатнинг “Трансформаторная понизительная подстанция”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йил октябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 2.556.448 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, бу далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “ПК 141+15,31 Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг ноябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 4.273.027 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 7-сонли бекатнинг



“Трансформаторная понизительная подстанция”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг ноябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 39.905.051 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг декабрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 4.960.334 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 7-сонли бекатнинг “Трансформаторная понизительная подстанция”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг декабрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 16.681.473 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 8-сонли бекатнинг “ПК 133+94,41 Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2022 йилнинг май ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 75.414.932 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 9-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл



қурилиш” УК томонидан 2022 йилнинг май ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 24.975.374 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, ҳеч ким билан тил бириктирмаганлигини, унга ҳеч ким тазйиқ ҳам ўтказмаганлигини, ҳисоб-фактураларни ундан ташқари имзолаган бошқа шахслар, “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан юқорида қайд этилган қурилиш объектида умумий қиймати 387.089.731 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги ҳақида билмаганлигини, кейинчалик қайта назорат ўлчовини ўтказганларини, ҳеч қандай камомад аниқланмаганлигини, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлигини билдириб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.

Судланувчи Х.Усанов суд мажлисида айбига иқроп бўлмасдан, қуйидагиларни, яъни 2017 йилдан буён “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Капитал қурилиш дирекцияси ишлаб чиқариш бўлими қурилиш бўйича муҳандис-технолог вазифасида ишлашини, “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилиши” объектида қурилиш-монтаж ишлари сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Дирекция бошлиғининг 04.01.2021 йилдаги 3-сонли буйруғи билан унга объектларда қурилиш жараёнларини ташкиллаштириш, қурилиш-монтаж ишларининг турлари, ҳажмлари ва қийматлари ҳамда сифати лойиҳа-смета ҳужжатлари талаблари мувофиқлигини назорат қилиш ва қабул қилиш жавобгарлиги юклатилиб, шахсан унга 10-сонли бекат бириктирилганлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 10-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йил сентябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 63.003.233 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, ҳақиқатда назорат ўлчови ўтказилган вақтда ушбу ишлар бажарилмаганлигини, бироқ ушбу ишлар гўёки бажарилганлиги ҳақида бажарилган ишлар далолатномаси тузилганлигини, 2021 йилнинг сентябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасидаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 10-сонли бекатнинг “Понизительная подстанция”сида пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг октябрь ойи учун



расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 35.650.687 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 10-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2021 йилнинг октябрь ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 48.874.278 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 10-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2022 йилнинг май ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 1.593.389 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан назорат ўлчови ўтказилган ва улар “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метрополитени линияси қурилишининг иккинчи босқичи” объекти 10-сонли бекатнинг “Вестибюль”да пудрат ишларини амалга оширган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан 2022 йилнинг май ойи учун расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномасида аслида умумий қиймати 37.492.923 сўмлик ишлар бажарилмасдан, қўшиб ёзилганлиги аниқланганлигини, далолатномадаги буюртмачи томонидан қўйилган имзо ўзига тегишли эканлигини, кейинчалик қўшиб ёзилган ишларнинг барчаси бажарилиб, ушбу фактни қайта назорат ўлчовини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашлигини, пудратчи вакиллари билан тил бириктирмаганлигини, шунингдек унга ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганлигини, иш кўплиги, қурилиш муддатлари қисқалиги ва бундан ташқари у яна бошқа бир нечта қурилиш объектига бириктирилганлиги учун пудратчи томонидан амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларини назорат қила олмаганлигини, кейинчалик қайта назорат ўлчовини ўтказганларини, ҳеч қандай камомад аниқланмаганлигини, унинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлигини билдириб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўради.



Гарчанд, судланувчи У.Юсупов, Ф.Турсунов ва Х.Усановлар айбларига иқрор бўлмасдан кўрсатув берган бўлсалар-да, уларнинг айби суд мажлисига ҳозир бўлмаган ва тарафлар розилиги билан фуқаровий даъвогар А.Якубов, гувоҳ Ж.Хаятов, Б.Каримовларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчилар томонидан қисман тасдиқланганлиги, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги Ҳисоб палатасининг Тошкент шаҳридаги ер усти халқа метро линиясининг иккинчи босқичидаги қурилиш-монтаж ишларини техник экспертизадан ўтказиш ва ажратилган бюджет маблағларини мақсадли сарфланишини ўрганиш натижалари юзасидан тўпланган ҳужжатлар (1-жилд, и.в.9-301, 2-жилд, и.в. 1-291), “Центр экспертизы и контроля строительства” МЧЖ томонидан ўтказилган назорат ўлчови натижалари юзасидан тўпланган ҳужжатлар (3-жилд, и.в. 1-339), “New Generation Art” МЧЖ томонидан ўтказилган назорат ўлчови натижалари юзасидан тўпланган ҳужжатлар (4-жилд, и.в. 46-160), ашъвий далил деб топилган “Хоразм темир йўл қурилиш” УК томонидан “Тошкент шаҳридаги ер усти халқа метро линиясининг 2-босқичи” объектининг 7-10 бекатларида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан тузилган 2021 йил июнь, июль, сентябрь, октябрь, ноябрь ва декабрь ойлари учун бажарилган ишлар далолатномалари, шунингдек объектнинг 8-10 бекатларида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан тузилган 2022 йил май ойи учун бажарилган ишлар далолатномалари (4-жилд, и.в.277-301, 5-жилд, и.в. 1-71) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Юсупов, Ф.Турсунов ва Х.Усановларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Юсуповнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, ўзганинг жуда кўп миқдордаги унга ишониб топширилган мулкни олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланган аломатлари;

- судланувчи Ф.Турсуновнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, ўзганинг жуда кўп миқдордаги унга ишониб топширилган мулкни олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, давлат ёки



жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланган аломатлари;

- судланувчи Х.Усановнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди, ўзганинг жуда кўп миқдордаги унга ишониб топширилган мулкани олдиндан тил бириктириб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми “а” банди мансаб сохтакорлиги, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларга била туриб такроран сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида Инсонпарварлик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида Одиллик принципи белгиланган бўлиб, унга кўра – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 1-бандида “судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб;

-мазкур Пленум қарорнинг 2-бандида “Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 3-бандида “жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий



хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”деб;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “қонун тайинланадиган жазо тури ва меъерини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради” деб тушунтириш берилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилиб, У.Юсуповни муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, иш юзасидан моддий зарар мавжуд эмаслигини, “New Generation Art Engineering” МЧЖ томонидан ўтказилган назорат ўлчови натижасида 2023 йил 27 сентябрда тузилган далолатномасида “Тошкент шаҳридаги ер усти халқа метрополитенини қурилиши иккинчи босқичи”да бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича бажарилган ишлари ёйилмаларига (Ф-5) қўшиб ёзиш ишлари аниқланмаганлиги кўрсатилганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан уни жазодан озод қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Ф.Турсуновни муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, иш юзасидан моддий зарар мавжуд эмаслигини, “New Generation Art Engineering” МЧЖ томонидан ўтказилган назорат ўлчови натижасида 2023 йил 27 сентябрда тузилган далолатномасида “Тошкент шаҳридаги ер усти халқа метрополитенини қурилиши иккинчи босқичи”да бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича бажарилган ишлари ёйилмаларига (Ф-5) қўшиб ёзиш ишлари аниқланмаганлиги кўрсатилганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан уни жазодан озод қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Х.Усановни муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, иш юзасидан моддий зарар мавжуд эмаслигини, “New Generation Art Engineering” МЧЖ томонидан ўтказилган назорат ўлчови натижасида 2023 йил 27 сентябрда тузилган далолатномасида “Тошкент шаҳридаги ер усти халқа метрополитенини қурилиши иккинчи босқичи”да бажарилган қурилиш-монтаж ишлари бўйича бажарилган ишлари ёйилмаларига (Ф-5) қўшиб ёзиш ишлари аниқланмаганлиги кўрсатилганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан уни жазодан озод қилишни лозим топади.



Бундан ташқари, суд жиноят иши юзасидан ёзма ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатларни жиноят ишида сақлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ҳамда ЖПКнинг 454-460, 465, 472-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Юсупов Умирбек Исломович (Yusupov Umirbek Islomovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

У.Юсуповга нисбатан қўлланилган “муносиб хулк-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Турсунов Фарух Нормаматович (Tursunov Farux Normamadovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Ф.Турсуновга нисбатан қўлланилган “муносиб хулк-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Усанов Хуршид Абдусаматович (Usanov Xurshid Abdusamatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди ва 209-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Х.Усановга нисбатан қўлланилган “муносиб хулк-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят иши юзасидан ёзма ашёвий далил деб эътироф этилган ҳужжатлар жиноят ишида сақлансин.

Апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар томонидан эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Мазкур муддат ўтказилиб билдирилган протест ва шикоят кўрилмасдан қолдирилади.

Раислик қилувчи, судья:

/имзо/

С.Содиқов

Нусхаси аслига тўғри, судья:

